ВАҚФ ТАРИХИГА ДОИР МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

И.АЛИМОВ. Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар). Монография.-- т.: фан, 2009.- 222 б.

Мусулмон мамлакатлари ижтимоий институтларидан бири бўлган вақф масаласи тарихшуносликда алоҳида ўрин эгаллайди, бу мавзуга бағишланган қатор тадқиқотлар яратилган. Шулар сирасида И.Алимов монографияси шўронинг вақф сиёсатини, юртимизда қадимдан амал қилган ижтимоий қадриятнинг тугатилиш жараёнини архив ҳужжатлари асосида атрофлича ёритиб бериши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Монографиянинг кириш қисмида вақф мулкларининг вужудга келиши ва бунинг омиллари мухтасар баён қилинган. Жумладан, муаллиф Қуръони карим оятлари ва муборак ҳадисларда диний муассасалар фойдасига вақф таъсис этиш ёки васият қилиш буюрилганини айтаркан, уларда вақф сўзи эмас, ундан кўра кенгроқ маънодаги эҳсон, садақа сўзлари ишлатилганини таъкидлайди. Муқаддас манбаларда эҳсон ўз эгасини Аллоҳ марҳаматига сазовор қилиши уқтирилади. Шу боис ҳам мулкдорлар томонидан масжиду мадрасалар, авлиёлар мақбаралари таъминоти учун ер ёки бошқа даромад келтирадиган мулкларни вақф қилганлар. Шунингдек, мактаб, мадраса, масжид ёки шунга ўхшаш жамоат фойдаланадиган иншоотлар қурдириш, уларнинг таъминоти учун мулк ажратиш эҳсони мақбуллардан саналган. Шу тариқа ислом мамлакатлари ижтимоий ҳаётидаги жуда муҳим бўлган унсур, ўз-ўзини бошқариш шакли қарор топган. Кейинча диний, маданий-маърифий ташкилотларга даромад келтирадиган мулкни кўпчиликнинг фойдаланиши учун эҳсон, ҳадя ёки васият қилиш вақф деб номланган. Вақфнинг ислом мамлакатлари ҳаётида нечоғли катта аҳамиятга эга бўлганини шундан ҳам кўриш мумкинки, у шариат аҳкомлари ичида алоҳида масала сифатида кўрсатилган. Масалан, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” китобида битта боб вақф масалаларига бағишлаган. Муҳими, монографиянинг ўқувчиси вақф мулкларнинг пайдо бўлиши, уни бошқариш ва тасарруф этишнинг узоқ асрлар давомида шаклланган тартиб-қоидалари, аҳамияти ҳақида яхшигина тасаввурга эга бўлади.

Монографияда архив ҳужжатларига суянган ҳолда совет ҳукумати динни, жумладан, ислом дини, шунингдек, исломий ташкилотларнинг моддий асоси бўлган вақф мулкларини тугатиш сиёсатини олиб боргани кўрсатиб берилган. Шу сиёсатдан келиб чиқиб, 1920 йилда Туркистон АССР МИК вақф ерларини давлат мулки деб эълон қилди. Лекин бу қонун амалга ошмади: ўлкада сиёсий вазият кескинлашди, совет режимига қарши қуролли ҳаракат (“босмачилик”) кучайди. Юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, партия ва совет органлари вақф ерларига бўлган муносабатни ўзгартиришга мажбур бўлди: вақф ерларини тезлик билан тугатиш сиёсатидан воз кечиб, бу масалага эҳтиёткорлик билан ёндашиш, уни босқичма-босқич амалга ошириш сиёсатига ўтди. Жумладан, ТуркЦИКнинг 1922 йил 20 июндаги декретига асосан, вақф ерлари илгариги эгалари – масжид, мадрасаларга қайтарилди ва қозилик судлари қайта тикланди, “босмачиларга” афв эълон қилинди. Бу тадбирлар орқали сиёсий вазиятни барқарорлаштириш назарда тутилган эди. Лекин динга ён бериш йўли узоқ давом этмади. Ярим йил ҳам ўтмай, 1922 йил 28 декабрда чиқарилган ТуркЦИК янги “Вақф тўғрисида”ги декрети билан масжид, мадрасалар хуқуқлари чекланди. Маданий вақф мулкларини бошқариш ҳуқуқи уезд-шаҳар вақф бўлимларига берилди. Вақфлардан тушган даромаднинг асосий қисми совет мактаблари, маданий–маънавий ишлар учун сарфлангани ишончли архив ҳужжатлари асосида ёритилган.

Асарнинг махсус бобида Хоразм ва Бухоро республикалари совет ҳукуматларининг вақф

соҳасидаги сиёсати, бу сиёсатнинг Туркистон АССРдан андоза олган ҳолда ва Туркомиссия, Туркбюро, Средазбюро тазйиқи остида амалга оширилгани асослаб берилган. Муаллиф ушбу жараённи Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикаларининг архив фондларидаги материалларга таянган ҳолда ёритгани чиқарилган хулосаларнинг илмий қимматини оширади.

1924 йилдан кейин, Ўзбекистон ССР ташкил топгач, вақфларни тугатиш сиёсати янада изчил амалга оширилди. 1925-1928 йиллардаги қатор ҳукумат қарорлари билан савдо дўконлари, карвонсаройлар, каппонлар, бозор майдонлари, ҳаммом, тегирмон, обжувоз каби савдо-саноат аҳамиятига эга вақф мулклари давлат мулки деб эълон қилинди, Маориф Халқ комиссариатининг Бош вақф бошқармаси ва унинг вилоят органлари тугатилди, вақф мулклари вилоят ижроия комитетларининг маҳаллий хўжалик бўлимлари ихтиёрига ўтказилди. Монографияда вақф мулкларининг шу тариқа босқичма-босқич тугатилгани ҳужжатлар асосида баён этилган.

Муаллиф вақф ерларининг мусодара этилиши жарёнини ҳам худди шундай изчиллик билан, ҳужжатларга асосланган ҳолда ёритади. Монографияда 1925-1927 йиллар давомида аввал Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Зарафшон вилоятларида ўтказилган ер-сув ислоҳоти жараёнида маданий-маърифий вақф ерлари, кейин Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм округларида амалга оширилган ислоҳотларда маданий-маърифий вақф ерлари билан бирга диний вақф ерлар ҳам мусодара қилингани, бу жараён ниҳоясида мусодара қилинмаган диний вақф ерлари қолмагани ноёб архив манбалари асосида тасвирлаб берилган.

И.Алимовнинг “Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917-1929 йиллар)” номли монографияси тарихимизнинг бир босқичи, шўро ҳукуматининг вақф мулкларига нисбатан олиб борган сиёсатини яхлит ҳолда тадқиқ этишга қаратилгани, хулоса ва умумлашмаларининг бой архив материаллари таҳлили асосида чиқарилгани билан катта илмий қиммат касб этувчи асардир.

З.А.Қутибоев,
тарих фанлари доктори, профессор